



2014 йил –
Соғлом бола йили

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ ЎЗБЕКИСТОН-БАХТИЁР БОЛАЛАР



БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Ёшлар ижод саройида болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг IV республика форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари мутасаддилари, болалар дам олиш оромгоҳлари раҳбарлари, тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, спорт мураббийлари, етакчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т. Норбоева, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У. Иноятов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болаларни соғломлаштириш, уларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб воҳага етказишга оид эзгу ишлар тобора такомиллаштираётгани, бу йўналишдаги шароит ва имкониятлар йил сайин кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда болаларни ёзги мавсумда соғломлаштириш ва дам олдиришга оид чора-тадбирларни изчил амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорликка асосланган фаолияти ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи ҳамда унинг таркибда ташкил этилган ишчи гуруҳлари мавсумнинг ҳар бир ҳудудда намунали ва ушқоқлик билан ўтказилишини таъминлади.

Ёз мавсумининг Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш концепциясига мувофиқ ташкил этилгани бу борадаги ишлар сифатини ошириш ва оромгоҳлар фаолиятини янада яхшилаш имконини берди. Бу йил ҳам болалар дам олиш масканларини тубдан ва капитал таъмирлаш, янгиларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада болаларни оромгоҳларга қамраб олиш кўлами кенгайди.

Мавсум давомида барча турдаги қарийб 1100 оромгоҳда 296 минг нафар ўғил-қиз дам олдирилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 10 минг нафарга кўпдир. Тизимли янгича ёндашув асосида ихтисослаштирилган оромгоҳлар 239 тага етказилди. «Интеллектуал ривожлантириш», «Тарбия ва спорт», ўсмир ёшдаги болалар учун «Меҳнат ва дам олдириш», «Экологик-биологик», «Ижтимоий мослашув», «Ўқлашунослик», «Техник ижодкорлик», «Бадий ижодиёт» йўналишларидаги оромгоҳларга 20 минг нафардан ортиқ бола жалб этилди.

Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё вило-

ятларидаги ўқувчиларнинг энг сўлим гўшаларда дам олишини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўқувчилар маънавиятини юксалтириш, уларда она Ватанга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлаш, уларни зарарли ғоялар таъсиридан асрашга қаратилган ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишлари комплекс тарзда олиб борилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб барча оромгоҳларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гузал Ўзбекистони!» шiori остида «Мустақиллик фарзандлари», «Истиклол – менинг тақдиримда», «Ўзбекистон – бахтиёр болалар мамлакатини», «Касаба уюшмалари – болаларга» каби ижтимоий акциялар, санъат фестиваллари, спорт мусобақалари, ижодий учрашувлар, анжуманлар ўтказилди. Дам олиш масканларида ички ишлар, тиббиёт, коммунал-маиший соҳалар ходимларининг доимий навбатчилиги ташкил этилди. Шу билан бирга, мавсум давомида барча масканларда дам олувчиларни юқори сифатли ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Оромгоҳимизда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган интеллектуал беллашув голиблари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари мароқли ҳордик чиқарди, – дейди Бўстонлик туманидаги «Қуёшли» оромгоҳи раҳбари Йўлчибой Раҳимжонов. – Уларнинг билиминини бойитиш, соғломлаштириш учун тажрибали мутахассислар, тўғрақ раҳбарлари, спорт мураббийлари жалб этилди. Буларнинг бари мамлакатимизда ҳар бир фарзанд давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборида эканининг амалдаги яққол тасдиғидир.

Форумда ёзги дам олиш мавсумини юксак савияда ташкил этишга муносиб ҳисса қўшган тегишли вазирлик ва идораларнинг вакиллари, ҳомий ташкилотлар, педагог ва тарбиячилар, пазандалар, шифокорлар, журналистлар Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Назозат УСМОНОВА,

ЎЗА мухбири

Ё. Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги байрами муносабати билан Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йиллари давомида эришган зафарлари, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида қўлга киритган муваффақиятлари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

ЖУЖАННА ЯКАБ:

«СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ» ДАСТУРИ – ЖУДА МУҲИМ ҚАДАМ»

– Энг аввало, оналар ўлимини қисқартириш ва гендер тенглигига эришиш билан боғлиқ миллий мақсадларига эришгани, шунингдек, болалар ўлимини қисқартириш ҳамда бошланғич ва ўрта таълим сифатини яхшилаш борасида қўлга киритилган салмоқли тараққиёт билан Ўзбекистон ҳукуматини табриклашни истайман, – деди у. – Иммунизация дастурининг кенгайиб бораётгани шундай муваффақиятнинг яна бир мисоли ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳукумати турли ёшдаги гуруҳларнинг, айниқса, аёллар ҳамда болаларнинг саломатлиги борасида аниқ-равшан эҳтиёж ва устуворликларни ҳисобга олган. Бу сўнгги йиллар давомида соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғини даражасида она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш бўйича хизмат кўрсатиш кўламлигининг кенгайишига олиб келди.

Биз 2014 йил Ўзбекистонда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганга жуда замонавий ва муҳим қадам сифатида қараймиз, чунки у болалар ўлимини қисқартириш юзасидан Мингйиллик ривожланиш мақсадларига мувофиқдир.

Мен, шунингдек, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси томонидан ишлаб чиқилган инсон саломатлиги ва бўлажак насллар камолотида салбий таъсир этаётган тиббий-ижтимоий, иқтисодий, экологик муаммоларнинг олдини олишга йўналтирилган «Саломатлик – 2020» сиёсати доирасида аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича мажмуавий миллий стратегия ишлаб чиқишига Ўзбекистоннинг содиқлигидан хурсандман. Бу Ўзбекистонда соғлиқни сақлашдаги биринчи миллий стратегия бўлади ва биз ушбу муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеани сабрсизлик билан кутмоқдамиз.

Мамлакатингиз сифатли ва ҳаммабоб тиббий хизмат ва дори-дармонлардан фойдаланиш, инфекцияли ҳамда инфекциясиз касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш сингари соғлиқни сақлаш хизматларининг ялпи қамровини таъминлашга интилоқда. Узоқ муддатли барқарор ривожланишни ҳамда глобал ва минтақавий молиявий инкирозларга бардошлилини таъминлаш бўйича салмоқли тараққиётга эришилди. Зўравонликнинг, инсон имунитети танқислиги вируси ва сил касаллигининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш учун давлатнинг бюджет маблағлари микдори муттасил ўсиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда)

Пойтахтимизда Халқаро спорт курашлари ассоциациясининг ҳисобот-сайлов конгресси бўлиб ўтди. Унда юздан ортиқ мамлакат федерациялари раҳбарлари, спорт уюшмалари ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯ КОНГРЕССИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси раиси Мираброр Усмонов, Халқаро спорт курашлари ассоциацияси президенти Ненад Лалович ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани, бунинг самарасида Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги салоҳияти ва нуфузи тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча шахару қишлоқларида бунёд этилган спорт мажмуаларида болалар ва ёшлар спорт билан мунтазам шугулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Малакали устоз ва мураббийлар кўмагида катта спортга қадам қўймоқда. Профессional атлетларимиз замонавий ўқув-машғулот базаларида илгор услублар асосида маҳоратларини ошириб бормоқда.

Юртимизда Олимпия спорт турлари жадал ривожланиб, спортчиларимиз халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда. Бу борада эркин ва юнрон-рум кураши бўйича терма жамоамиз етакчидир. Полвонларимиз Олимпия ўйинларида 4 олтин ва 3 қумуш медални қўлга киритган. Яқинда Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар Олимпиадасида юнрон-рум кураши бўйича олтин медални қўлга киритган Илҳом Баҳромов юртимизда курашчиларнинг муносиб авлоди етишиб чиқаётганини исботлади.

Мамлакатимиз нафақат истеъдодли полвонларни тарбиялаш, балки кураш бўйича халқаро мусобақаларни юксак савияда ўтказиш борасида ҳам доврқ қозонган. Ўтган йилларда юртимизда эркин, юнрон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича жаҳон ва қитъа

чемпионатлари, Олимпия саралаш турнирлари муваффақиятли ўтказилган.

2011 йили Туркияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати доирасида 2014 йилги жаҳон чемпионатини қайси мамлакатда ташкил этиш масаласи муҳокама этилган эди. Эркин, юнрон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катталар ўртасида ташкил этиладиган ушбу нуфузли мусобақани ўтказишга Ўзбекистон, Швеция, Финляндия, Венгрия, Хорватия, Польша, Эрон, Озарбойжон сингари ўндан ортиқ давлатлар даъвогарлик қилган эди. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, ривожланган спорт инфратузилмаси, мусобақаларни юқори савияда ўтказиш тажрибаси эътиборга олиниб, мезбонлик ҳуқуқи бир овоздан мамлакатимизга берилди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада шаҳардаги 57 корхона, ташкилот ва муассаса 416 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

● Халқаро шахмат федерацияси – FIDEнинг Норвегияда бўлиб ўтган конгрессида сирдарёлик Сарвиноз Курбонбоевага халқаро тоифадаги спорт устаси унвонини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиклигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам 2-8 сентябрь кунлари Музейлар ҳафталиги ўтказилди.

● Бухорода «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Камолот-тур» ёшлар веломарафонининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда таълим муассасаларида таҳсил олаётган, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ўқувчи-ёшлар – ҳаваскор велоспортчилар иштирок этди.

● Навоий шаҳрида «Navbahor tekstil» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги чет эл корхонаси иш бошлади. Ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона маҳсулотларининг асосий қисми экспорт қилинади.

● Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги олис қишлоқ мактабларида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг «Касаба уюшмалари – болаларга» акцияси доирасида «Тозалик, озодалик – саломатлик гарови» тадбирлари ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг «Oshkosh» автомобиль компанияси ҳайдовчисиз ҳаракатланадиган ҳарбий юк машиналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Компания вакиллари сўзларига кўра, бу машиналар роботлаштирилган махсус «TerraMax» технологияси билан жиҳозланган. Уларни мониторинг орқали назорат қилиш, зарур ҳолларда масофадан бошқариш мумкин.

● Исландия маъмурияти август ойида мамлакат пойтахтидан атиги 300 километр узоқликдаги Бардабунг вулкони «уйғониши» мумкинлиги, агар у «уйғонса» нафақат пойтахт аҳолиси, балки бутун Европа «қамал»да қолиши ҳақида жамоатчиликни огоҳлантирганди. Бу огоҳлантириш ҳаётда тезда исботини топди. Фақат бу гал кул эмас, балки магма отилиб чиқди.

Тошкент опен – 2014

ТЕННИС МАЛИКАЛАРИНИНГ КАТТА МУСОБАҚАСИ



Пойтахтимизда Халқаро хотин-қизлар уюшмаси – WTA таснифига кирувчи «Тошкент опен – 2014» халқаро теннис турнири бошланди.

Нуфузли мусобақада дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан кучли ракетка усталари ўзаро куч синашмоқда.

Теннис мамлакатимизда кенг оммалашаётган спорт турларидан бири сифатида навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга хизмат қилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 апрелдаги «Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир мохир ракетка усталарини тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 4-бетда)

ЖУЖАННА ЯКАБ:

«СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ» ДАСТУРИ –
ЖУДА МУҲИМ ҚАДАМ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақилликка эришилган кундан буён соғлиқни сақлаш жабҳасига назар ташлан-са, мамлакат ўзининг соғлиқни сақлаш ти-зими самарадорлигини ошириш, тиббий хизматларнинг адолатли тақсимланиши ҳамда аҳолининг заиф қатлами ҳимоя қили-нишини таъминлаш юзасидан кенг қамров-ли чора-тадбирларни амалга оширганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон 1992 йил 25 май куни Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотига расман аъзо бўлган ва 1993 йилдан эътиборан минта-қавий бюромиз билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган. Жаҳон Соғлиқни сақлаш таш-килоти соғлиқни сақлашни ривожлантириш борасидаги мақсадларига эришишда, жум-ладан, «2000 йилда Саломатлик ҳамма учун», «2015 йилда Мингйиллик ривожла-ниш мақсадлари» сингари стратегияларда Ўзбекистонни фаол қўллаб-қувватлаб ке-лади.

Юқорида қайд этилганидек, сўнгги икки ўн йиллик давомида Ўзбекистонда соғлиқ-ни сақлаш соҳасига тааллуқли кўпгина му-ҳим ижобий воқеалар бўлиб ўтди. Миллий соғлиқни сақлаш тизимининг умумий са-марадорлигини ошириш, аниқ-равшан да-

лиллар асосида сиёсат ва стратегияни иш-лаб чиқиш, шу билан бирга, турли дара-жаларда кўрсатиладиган техникавий ёрдамлар воситасида табобатга оид хиз-матлар сифатини яхшилаш ва улардан ҳамма бирдек фойдаланишини таъминлаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг са-лоҳиятини мустаҳкамлашда Жаҳон Соғлиқ-ни сақлаш ташкилоти ўта муҳим ўрин тут-ади.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти яқин йилларда ҳам юқорида қайд этилган беш йўналишнинг барчаси бўйича Ўзбекистон ва унинг муассасалари билан ҳамкорлик-ни давом эттириш ниятидадир.

Байрам муносабати билан ўзбек халқи-ни чин қалбимдан табриклашни ҳамда соғлиқни сақлаш мустаҳкамланиши ва фаровонлик юқалиши йўлида ўзимнинг энг эзгу ниятларимни билдиришни истайман. Биз, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти-дагилар ана шундай интилишлари йўлида мамлакатни яқин ойлар ва йиллар даво-мида қўллаб-қувватлашга тайёرمиз ва ке-лажақда бундан ҳам кенг қамровли ҳам-корликка умид қиламиз.

«Жаҳон» АА
ЖеневаХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯ КОНГРЕССИ
БЎЛИБ ЎТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқаро спорт курашла-ри ассоциацияси аъзолари бу танлов тўғри бўлганини, Тошкентда жаҳон чемпио-натини ўтказишга юксак са-вияда тайёргарлик кўрилган-ини таъкидлади.

Конгрессда Халқаро спорт курашлари ассоциа-цияси томонидан амалга оширилган ташкилий иш-ларга оид ахборотлар тин-гланди.

Йиғилишда ташкилотнинг номини ўзгартириш масала-си муҳокама этилди. Таш-килот бундан буён Бутун-жаҳон кураш иттифоқи (United World Wrestling) дея юритилиши эълон қилинди. Мажлисда UWWнинг янги Конституцияси, Низоми, До-пингга қарши регламенти каби бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Ташкилот-нинг 2014–2016 йилларда-


ги бюджети, истиқболли ре-жалари тасдиқланди.

Конгресс аъзолари Бу-тунжаҳон кураш иттифоқи раҳбарлигига Ненад Лало-вични сайладилар. Ушбу нуфузли ташкилотнинг Бюро аъзолигига ҳамюрти-миз Аҳрол Рўзиев қайта сайланди.

Ташкилотимиз тарихи-да янги даврни бошлаб берган ушбу конгресснинг Ўзбекистонда ўтказилгани чуқур маъно-мазмун касб этди, — деди Бутунжаҳон кураш иттифоқи президенти Ненад Лалович. — Бугун Ўзбекистон барча жабҳа-ларда, жумладан, спорт со-ҳасида ҳам дунёда ўз ўрни-га эга. Президент Ислам Каримов томонидан бола-лар спортини ривожланти-ришга катта эътибор қар-тилаётгани, барча ёшдаги ўғил-қизларни қамраб ол-

ган уч босқичли спорт ўйин-лари ўтказилаётгани нати-жасида Ўзбекистон спорт-чилари халқаро майдонда улкан ютуқларга эришмоқ-да. Хитойнинг Нанкин шаҳ-рида ўтган ўсмирлар ўрта-сидаги II Олимпия ўйинла-рида юртингиз ёшлари 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритгани ҳам ана шу юксак эътибор самарасидир. Тошкентда эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпио-натининг юқори савияда ўтишига ишонаман. Чунки бунинг учун мамлакатингиз-да барча зарур шароит мав-жуд.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг Бош ва-зир Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбириБЎЛАЖАК
БОЖХОНАЧИЛАР
ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга кирган курсантлар халқимизга, Ватанимизга, Президентимизга содиқлик қасамёдини қабул қилди.

Тадбирда Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депу-татлари ва Сенати аъзола-ри, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, инсти-тутнинг профессор-ўқитувчи-лари, кенг жамоатчилик ва-киллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси З.Дусанов ва бошқа-лар божхона органлари ол-дида турган вазифаларни самарали ҳал этиш кадрлар салоҳияти, божхона иши йўналиши бўйича юқори ма-лакали мутахассисларни тайёрлашга боғлиқ эканини таъкидлади. Улар ўз шахсий ва ишчанлик фазилатлари билан божхона ходимиға қўйиладиган замонавий та-лабларга жавоб бериши, юксак маънавий-ахлоқий ху-сусиятларга, тез фикрлаш қобилиятига эга бўлиши, Ватан равнақи йўлида сид-кидлдан хизмат қилишга тайёр туриши лозим.

Айни пайтда божхона органларини юқори малака-ли кадрлар билан таъмин-лаш вазифасини Марказий Осиёда ягона иختисослаш-тирилган олий ўқув юрти — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси-нинг Олий ҳарбий божхона институти муваффақиятли ҳал этмоқда. Жаҳон стан-дартларига жавоб беради-ган мазкур олий ўқув юрти зарур илмий салоҳият ва

замонавий моддий-техник базага эга.

Курсантлар фанларни чу-қур эгаллаш учун барча ша-роитлар яратилган ўн бит-та кафедрада соҳанинг асо-сий йўналишлари бўйича билим олмақда. Ўқув жара-ёни ўқитишнинг интерфаол услуб ва техник воситала-ри кенг қўллаш, ўқув конфе-ренциялари, божхона органларига бориб машгу-лотлар ўтказиш, семинар-мунозаралар уюштиришни кўзда тутди. Айниқса, чет тилларни ўрганишга алоҳи-да эътибор қаратилмоқда. Бу эса, амалий иш жараё-нида катта аҳамият касб эта-ди. Институтда иختисослаш-тирилган аудитория ва ла-бораториялар, йўловчи та-шиш поездлари, автобуслар ва юк машиналарини бож-хона назоратидан ўтказиш бўйича ўқув майдони фао-лият кўрсатмоқда.

— Ватанимиз иқтисодий-тининг барқарорлиги, хал-қимиз фаровонлиги кўп жи-ҳатдан божхоначиларнинг огоҳлиги, маҳорати ва фи-докорлигига ҳам боғлиқ-дир, — дейди биринчи бос-қич курсанти Акбар Азимов.

Олий ҳарбий божхона ин-ститутида ўқини орозу қилардим. Бу мақсадимга эришганимдан бахтиёрман.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири
Ё. Шамсидинов (ЎЗА)
олган сурат

Реклама ўрнида

«TEGEN» — КИШИЛАРГА ҚУВОНЧ
БАҒИШЛОВЧИ ЮҚОРИ СИФАТ

Барча замонларда ҳам одамнинг ҳаёти ва саломатлиги унинг нималар тановул қилишига боғлиқ бўлган. Ҳаётнинг гўзаллиги, давомийлиги ва ниҳоят унинг сифати ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Сўнгги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Ўзбекистон бозорини етарли даражада сифатли, хавфсиз, айниқса маҳаллий хом ашё асосида ва юқори технологик жиҳозлардан фойдаланиб ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун барча ишлар амалга оширилмоқда.

— Тўлақонли овқатланиш кўп жиҳатдан унинг тарки-бига, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотла-рининг инсоннинг нормал ривожланиши ва фаолият юритиши, унинг организмда тўғри модда алмашину-ви, саломатлиқни мустаҳкамлаш, касалликларнинг ол-дини олиш, кексايш жараёнини секинлаштириш ва умрни узайтириш учун зарур бўладиган тўйимли ва сифатли моддалар билан керакли даражада таъмин-ланишига боғлиқ, — дея таъкидлаганди Ўртбосимиз ўзининг «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги маърузаси-да. — Бу вазифаларни ҳал қилиш учун, — дея қайд этди давлатимиз раҳбари, — бизда катта амалий им-кониятлар мавжуд.

Ушбу озиқ-овқат дастури вазифаларини ҳал қилиш устида кўпгина компаниялар ва фирмалар, корхоналар ва ташкилотлар, фермер ҳўжаликлари билан бир қатор-да мамлакатимизда машҳур бўлган «TEGEN» савдо-са-ноат компанияси ҳам иш олиб бормоқда. 1997 йилда ташкил этилган ушбу компания бугунги кунга келиб ўз маҳсулотларини республика бўйлаб мингдан орт-қ дўконлар ва супермаркетларда харидорларга тақдир қилмоқда. Унинг фаолият кўламини тасаввур қилиш ва ушбу йирик лойиҳани муносиб баҳолаш учун корхона кўрсаткичларига назар ташлаш мумкин. Шунчалик юқори даражадаги талаб нафақат ушбу маҳсулотлар-

нинг юқори даражадаги сифатига, балки уларнинг ас-сортиментига ҳам боғлиқ. Чунки, «TEGEN» компани-яси қолбаса маҳсулотларининг 200 дан орт-қ турини, жумладан, ярим дудланган қолбасанинг 70 та нави, қайнатиб тайёрланган қолбасанинг 40 та нави, гўшти тансиқ таомларнинг 30 та тури ва сосиска, сарделька ҳамда вакуумли қадокдаги маҳсулотларнинг 60 дан орт-қ турини бугунги кунда ҳамюртларимизга етказиб бормоқда.

Компаниянинг чучвара, манти, вареники, пирог, кот-летлар каби ҳар бир оила учун жуда керакли юқори си-фатли ярим тайёр маҳсулотларини катта ассортиментда ишлаб чиқариши ҳам диққатни ўзига тортади. «TEGEN» яна уй бекалари орасида ва ресторанларда жуда ом-мабоп бўлган кетчуп, майонез, горчица, маринадлар ва соусларнинг бошқа турларини ишлаб чиқишга ҳам эътибор қаратмоқда.

Харидорларнинг компания маҳсулотлари тўғрисида-ги ижобий ва яхши фикрлари диққатни ўзига тортади. Масалан, муваффақиятли иш олиб бораётган тадбир-кор Бахтиёр Маматов ушбу компания маҳсулотлари-нинг доимо дастурхонда бўлишини айтиб ўтди. — Сўнгги йигирма йил давомида турли фирма ва комп-аниялар, қолбаса ва қолбаса маҳсулотларининг қанча турлари пайдо бўлди ва йўқ бўлиб кетди. «TEGEN» маҳсулотлари эса мана 17 йилдирки тобора кўпроқ дастурхонларимизни безаб келмоқда, — дейди уй бе-

каси Соҳиба Нигматова. — Бу компаниянинг истиқбол-даги катта имкониятларидан дарак беради.

Шу ўринда компаниянинг ўз маҳсулотлари сифати-ни яхшилаш устида мунтазам равишда иш олиб бора-ётганлиги, янги технологияларни ўрганиш ва қўллаш билан шуғулланаётганлиги ишлаб чиқариш ҳажмлари-ни мунтазам равишда кенгайтираётганлигини таъкид-лаб ўтиш жоиз. Компания мутасаддилари ўз маҳсулот-ларининг ҳар кун одамларга қувонч бағишлаши учун қўлларидан келган барча ишларни қилишларини айта-дилар. Истеъмолчиларнинг яна бир қизиқ фикри шун-дан иборатки, «TEGEN» — ўзбек қолбаса бозорининг етакчиси. Бинобарин, яқинда унинг маҳсулоти «Ўзе-бекистон бозоридаги йилнинг энг яхши маҳсулоти» деб топилди.

Компания фаолиятининг яна бир йўналиши тўғри-сида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Компанияга асос солинган вақтдан бошлаб унинг жамоаси ижтимоий лойиҳаларга ҳомийлик қилиш устида мунтазам равиш-да иш олиб бормоқда. Мехрибонлик уйлари, уруш ва меҳнат фахрийларига тез-тез моддий ва бошқа турда-ги ёрдамлар кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг май ойи-да Сергели туманида Корейс миллий санъати саройи-нинг қурилиши бошланди. Ўзбекистонлик корейслар-нинг ушбу азалий гоғлари ва орзуларини амалга оши-ришга республикамиз ҳукуматининг кўмаги билан бир қаторда машҳур маданият ва санъат арбоблари, бизнесменлар, корейс миллий маданият марказла-ри фаоллари билан бирга Ўзбекистондаги машҳур озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси ҳам ушбу жуда муҳим лойиҳага ўзларининг ҳомийлик улушлари-ни қўшдилар.

Компаниянинг шиори ҳам кўп нарсани англатади: «TEGEN» — одамларга қувонч бағишловчи сифат. У кундан-кунга мазмунан бойиб боради, аниқ ишлар ва аниқ лойиҳаларга айланади.

Б.МУХАМЕДОВ

ҲАР БИРИМИЗНИНГ
БУРЧИМИЗ

Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ, барча ижтимоий муносабатлар тартибга солиниб, уларнинг ҳуқуқий асослари белгилаб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинаётган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларида асосий ўринда инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари устун қўйилиб, белгиланган тартиб-қоидалар уларнинг эркин амалга оширилиши, ҳуқуқбузарликлардан ҳимояланган бўлишини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Давлатимиз томонидан жазоларнинг либерал-лаштириб борилаётгани, ўлим жазосининг бе-кор қилиниши, суд ҳукмига қадар шахс айбсиз саналиб, барча ҳимоя ҳуқуқлари билан таъмин-ланиши, қамок билан боғлиқ эҳтиёт чораси қўллашнинг судлар ваколатига ўтказилгани, ҳул-лас, ҳуқуқбузарликка оид ишлар юритилиши жа-ҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги каби тартибга келтирилаётгани билан фахрланиш мум-кин. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг янги ҳуқуқбузарликни амалга оширишга мойил бўли-ши, бу уларнинг турмуш тарзига айланиб қоли-ши эса уларни мазкур йўлдан қайтариш учун қайта тарбиялаш заруратини юзага келтиради. Зеро, ҳар бир инсон тинч ва фаровон жамиятда яшашни, ўзини ва оила аъзоларини ҳуқуқбузар-лардан йироқ масканда бўлишини, фарзандла-рини уларнинг ҳулқига ўхшамаган ҳолда тарбия қилишни хоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси то-монидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни эса, ҳуқуқбузарлик тушунчаси билан бирга, бундай профилактиканинг асосий вазифалари шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаат-лари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузар ва шун-дай ҳуқуқбузарликни содир этишга мойил шахс-ларни ижтимоий реабилитация қилиш ва иж-тимоий мослаштириш ҳамда бошқалардан ибрат-лигини белгилаб берди.

Қонуندا асосий тушунчалардан, ҳуқуқбузар-лик — бу содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли гайри-ҳуқуқий қилиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) эканлиги, гайриижтимоий ҳулқ-атвор эса шахс-нинг жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нор-малари ва қоидаларини бузувиш турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги эканлиги англана-ди. Қонунда ҳуқуқбузарликка оид тушунчалар би-лан бирга, «ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи» ту-шунчасига ҳам таъриф берилиб, ҳуқуқбузарлик билан бирга шундай жабрланувчиларни ҳам иж-тимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мос-лаштириш вазифалари белгиланади.

Мазкур қонун 2014 йил 15 апрелда расмий эълон қилинган ва шу кундан эътиборан ушбу ўтгач кучга кирадиган бўлиб, унда ҳуқуқбузар-лик профилактикасининг 4 турдан: умумий, яъни профилактикани амалга оширувчи ва унда иш-тирок этувчиларнинг ҳуқуқбузарликларнинг ол-дини олиш, унинг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолиятдан; махсус, яъни айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактика-си, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қар-тилган махсус тадбирлардан; якка тартибдаги, яъни гайриижтимоий ҳулқ-атворли, ҳуқуқбузар-ликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузар-ликлар содир этган шахсларни аниқлаш, улар-нинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъ-сир кўрсатишга доир фаолиятдан; ва шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хав-фини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларидан иборат ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими эканлиги белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида»ги Қонунида ҳуқуқбу-зарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар тизими сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассас-салари киритилиб, ҳуқуқбузарликлар профилакти-касида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари ваколатлари кўрсатилиб, нодавлат нотижо-рат ташкилотлари ва фуқаролар ҳам профилакти-кани амалга оширувчи ва иштирок этувчиларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ишти-рок этиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай даврда жа-мият ривожига салбий таъсир кўрсатиб, фуқа-роларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишларига тўсқинлик қилиб келишини ино-батга олиб, уларни аниқлаш, олдини олиш, иж-тимоий мослаштириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқбузар-ликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муас-сасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш ҳар бир фуқароннинг бурчиға айлана-ди, деб ўйлаймиз. Зеро, жамиятимизнинг риво-жи аввало ўзимиз ва фарзандларимиз келажаги учун зарур.

Ўткир НАБИЕВ,
Юристар малакасини ошириш маркази
тингловчиси

Тошкент опен – 2014

ТЕННИС МАЛИКАЛАРИНИНГ КАТТА МУСОБАҚАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Тошкент опен» аънавий халқаро турнири кўплаб истеъдодли теннисчиларни кашф этган нуфузли мусобақалардан. Уз вақтида «Тошкент опен»даги ўйинлари билан муҳлис ва мутахассислар эътиборини қозонган франциялик Мэрион Бартоли, Полин Парментье, Виржиния Разза-но, Эмилия Луа, чехиялик Николь Вайдишова, россиялик Елена Деметтеева, Динара Сафина, Мария Кириленко, Алла Кудрявцева, италиялик Франческа Скьявоне, Татьяна Гарбин, польшаллик Урсула Радванска, словакиялик Магдалена Рибарикова, ҳиндистонлик Саня Мирза, хитойлик Ли На, америкалик Ме-

ган Шонесси, исроиллик Шахар Пеер бугун дунёга машхур теннисчилар саналади.


Ҳаётининг маротаба ўтказилаётган халқаро турнирда ўтган йилги турнир ғолибаси сербиялик Бояна Йовановски, руминиялик Ирина-Камелия Бегу, хорватиялик Донна Векич, россиялик Александра Панова, италиялик Карин Кнапп каби таниқли теннис маликалари иштирок этаётди.

Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида турнирнинг асосий тўр ўйинлари бошланди. Мусобақанинг биринчи даврасини сербиялик Бояна Йовановски ва украиналик Катерина Бондаренко

бошлаб берди. Баҳснинг биринчи сетини 6:1 ҳисобида бой бериб қўйган турнирнинг амалдаги чемпиони иккинчи сетда 6:4, хал қилувчи сетда эса 6:1 ҳисобида ғалаба қозониб, навбатдаги босқичга йўл олди.

Мусобақада мамлакатимиз шарофини ҳимоя қилаётган Окгул Омонмуродова сербиялик Йована Яксичини 6:4, 2:6, 6:2 ҳисобида енгди. Австралиялик Оливия Роговска беларуслик Александра Сасновичга 6:3, 4:6, 4:6, украиналик Марина Заневска россиялик Алла Кудрявцевага 4:6, 6:2, 3:6 ҳисобида имкониятни бой берди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА муҳбири



М. Амин (ЎзА) олган сурат

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА

Кеча пойтахтимиздаги бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган Республика олимпия заҳираси спорт мактабида эркин, юнорум ва аёллар кураши бўйича катталар ўртасида жаҳон чемпионати беллашувлари бошланди. Унда жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлатидан минг нафардан зиёд полвон медаллар учун кураш олиб бормоқда.

Ўзбекистонда эркин, юнорум ва аёллар кураши бўйича жаҳон чемпионати бахсларини ўтказиш ҳақидаги қарор 2011 йили Туркияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эълон қилинган. Бу нуфузли мусобақани ўтказишга АҚШ, Швеция, Финляндия, Германия, Озарбойжон ва Россия сингари 12 давлат даъвогарлик қилган эди. Якунда Халқаро спорт курашлари ассоциацияси (FILA) томонидан жаҳон чемпионатини ўтказиш учун Ўзбекистон номзоди муносиб топилди.

Мазкур нуфузли мусобақа мамлакатимиз мутахассислари учун 2016 йили Рио-де-Жанейрода ўтказиладиган ёзи Олимпиада ўйинларига йўлланмалар берувчи саралаш турнирлари олдидан терма жамоа таркибини шакллантириб олиши билан ҳам жуда аҳамиятлидир. Шу боис, чемпионатда бахс ўтказиладиган барча йигирма тўрт вазн тоифасида истеъдодли спортчилар терма жамоага жалб этилган. Жумладан, эркин курашчиларимиз мураббийлар Александр Недорезов, Маъмур-

жон Рўзиевлар қўл остида бахсларга ҳозирлик кўрди. Тошкент гуламларида Хаёт Сайфуллаев (57 кг), Жамшид Кенжаев (61 кг), Ихтиёр Наврўзов (65 кг), Бекзод Абдурахмонов (70 кг), Рашид Қурбанов (74 кг), Умиджон Исманов (86 кг), Омар Омаров (97 кг), Қурбан Қурбанов (125 кг)лар Ватанимиз шарофини ҳимоя қилишяпти.

— Нуфузи жиҳатидан Олимпия ўйинларидан кейинги ўринда турувчи мазкур мусобақа илк маротаба Ўзбекистонда ўтказилмоқда, — дейди Халқаро спорт курашлари ассоциацияси (FILA) президенти Ненад Лалович. — Бунга Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга юксак эътибор қаратилаётгани, замонавий спорт инфратузилмаси етарли шарт-шароит ва мусобақаларни юқори савияда ўтказиш тажрибаси мавжудлиги эътироф этилиб, мезбонлик ҳуқуқи мамлакатингизга берилди. Чунки ўтган давр мобайнида бу ерда эркин, юнорум ва аёллар кураши бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпио-

Мусобақалар

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Юртимизда велоспорт тобора оммавийлашиб бораётган спорт тури ҳисобланади. Айниқса ёшлар ўртасида айнан бу спортга қизиқиш кучли.

Сергели туманидаги 34-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Камолот-ТУР» VII аънавий веломарафоннинг туман босқичи ўтказилди. Тадбир Сергели туман ҳокимлиги, «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимаси, МК «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели ўқув-спорт техника клуби унитар корхонаси спорт йўриқчиси Дилором Эшонова. — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мана бир неча йилдирки, ўзининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири — келажакимиз бўлиши ёш авлодини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ҳиссиётларини шакллантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бундан ташқари ёшлар ўртасида спортни оммавийлаштиришга катта эътибор қаратади.

Шу кунги Лочинбек Искандаровни қўллаб-қувватлаш мақсадида келган ота-онасининг қувончи чексиз бўлди. Зеро, Лочинбек 9-14 ёш тоифасида биринчи ўринни қўлга киритди. — Ота-онам икки ёшлигимдан бошлаб турли хил велосипедлар олиб беришарди, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ҳозирда 322-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчисиман. Спортнинг футбол,

таэквондо турлари билан шуғулланиб келаман. Велоспортга эса қизиқишим кучли. Тенгдошларим билан иштирок этган мусобақа менга жуда ёқди. Ғолибликни қўлга киритиш нашидаси ўзгача завқ бағишлаганини ҳис этдим.

— Велоспортнинг инсон саломатлигига фойдаси жуда катта, — дейди 15-17 ёш тоифаси бўйича мусобақанинг 1-ўрин соҳиби Шодиёр Хамраев. — Спорт билан мунтазам шуғулланиш орқали саломатлик мустаҳкамланади. Бу йил мактабни тамомлаб, Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежининг сузуши бўлимига ўқишга кирдим. МК «Ватанпарвар» ташкилотининг Сергели ўқувСТК унитар корхонасида триатлон бўйича шуғулланиб келаман.

Кизиқарли тарзда ўтган мусобақа якунида ғолибларга «Камолот» ЕИХ ҳамда ташкилотчилар томонидан ҳаёлий совғалари ва дипломлар топширилди. Ғолиблар мусобақанинг шаҳар босқичига йўлланма олди.

Бундай тадбирлар аҳолининг спортга бўлган қизиқишини оширади ва албатта соғлом турмуш тарзини таъминлаш имконини беради.

Зиёда РАСУЛОВА

Кўргазмалар

ТАСВИРЛАРДА ЮРТИМИЗ ЖАМОЛИ

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида фотокўргазма давом этмоқда.

Унда мамлакатимизнинг таниқли rassom ва фотожурналистлари, Ўзбекистон Бадий ижодкорлари уюшмаси фотосўйбаси аъзолари ва уларнинг ёш ҳамкасбларининг фото ишлари намойиш қилинмоқда.

Кўргазмадан ўрин олган асарларда Ўзбекистонда рўй бераётган янгиланишлар, юртимиз шаҳар ва қишлоқлари қиёфасининг кундан-кунга ўзгариб бориши, соғлиқни сақлаш тизими, фан, маданият ва санъат, спорт, таълим соҳаларида эришилган ютуқлар тасвирланган.

Томошабин ҳар бир асарни томоша қилар экан, халқимизнинг қўлга киритган ютуқлари, бизнинг энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлиши тинчлик ва хотиржамлик ҳақидаги тушунчаларга эга бўлади.

— Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган ушбу кўргазмада республикамизнинг ўндан ортиқ етакчи фото rassomларининг 50 дан зиёд энг сара асарлари намойиш этилмоқда, — дейди Ўзбекистон Бадий академиясининг бош илмий котиби, профессор Абдумажид Мадраимов. — Шунингдек, турли жанрлар, ҳар хил соҳалар ва мавзулардаги фотосуратларни кузатишингиз мумкин.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Тадбирлар

ЁШЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

ФИФА рефериси, Осиёнинг тўрт карра энг яхши ҳаками, 2010 йилда Жанубий Африкада, жорий йилда Бразилияда уюштирилган футбол бўйича жаҳон чемпионатларида бир нечта учрашувларга бош ҳакамлик қилган ҳамюртимиз Равшан Эрматов Навоний вилоятда ёшлар билан учрашди.

Тадбир қатнашчиларига Равшан Эрматов ўзининг болалик йиллари ҳамда ҳакамлик фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Унинг қизиқарли ҳикояларидан катта таассурот олган ёшларнинг саволларига батафсил жавоб берар экан, Равшан Эрматов Истиклол туфайли спортнинг барча турларига, футболга катта эътибор қаратилаётганини, ҳозирда ҳар бир вилоятда, ўқув муассасаларида стадионлар, спорт заллари бунёд этилаётганини таъкидлади ва ёшларни ушбу имкониятлардан самарали фойдаланишга даъват этди.

Қизиқарли баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида ўтказилган учрашув вилоят ёшларида катта таассурот қолдирди.

(Ўз муҳбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли академик лицей ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Малака талаблари: Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган, педагогик олий маълумотли, таълим тизимида (педагогик ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам бўлмаган, замонавий билимга, ижтимоий ва илмий салоҳиятга, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларга эга бўлиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Телефон: (8-371) 252-23-35.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой ичида қабул қилинади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲРИМИЗ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қуйдаги назорат-ўлчов ускуналарини сотиб олиш бўйича ТЕНДЕР (ТАНЛОВ) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Аналитик тарози (CAUX 22CAS)
 2. Мета русумли газоанализатор («Автотест 01.04М»).
 3. (KBANT.Z) спектрометри.
- Буюртмачи белгиланган бошланғич нархи: **225 000 000 сўм.**

Харид қилинадиган асбоб-ускуналар учун тўловлар Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маҳаллий жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Етказиш муддати – 3 ой.

Буюртмачи — Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси.

Тендер (савдо) ташкилотчиси — Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси.

Кўрсатилган асбоб-ускуналарни етказиб бериши зиммасига олган ташкилот ва корхоналар қуйдаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Танлов савдоларидаги буюртманинг 20%дан кам бўлмаган миқдоридagi айланма маблағлари мавжудлиги ёки кўрсатилган маблағларни етказиб бериш тўғрисида банк кафилиги, фуқаролик ҳуқуқ қобилияти ва шартномаларни тузиш учун ваколатлари мавжудлиги.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун қуйдаги манзил бўйича тендер (танлов) ташкилотчисига мурожаат қилиш лозим:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кўчаси, «И» мавзеси, 7-уй. Телефон рақамлари: (8-371)277-75-43, тел./факс (8-371)277-75-43.

Офертлар (таклифлар) танлов (тендер) ташкилотчиси томонидан қуйдаги манзил бўйича қабул қилинади: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кўчаси, «И» мавзеси, 7-уй. Телефон рақамлари: (8-371)277-75-43, тел./факс (8-371)277-75-43.

Танлов (тендер) ташкилотчисига офертларни етказишнинг охириги муддати — офертни очиб қўли ва соати.

Офертларни очиб эълон чоп этилган кундан бошлаб 15 кунда қуйдаги манзил бўйича 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кўчаси, «И» мавзеси, 7-уй, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси биносидан бўлиб ўтади.



ЎЗГИДРОМЕТ

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 10 сентябрь кунини ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан қарбга йўналишини ўзгартирган шомол секундинга 5-10, қуцадан ҳолатда 12-17 метр тезликда эсади.

Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 31-33 даража сисси бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 10 сентябрь эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қоллишига имконият яратмайди, ифосиланиш даражаси паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@gmail.uz

Буюртма Г- 955

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5779 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси, Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 13.50

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ